

“Агробанк” АТБ
Бошқаруви йиғилишининг
2019 йил “18” февралдаги
13/1- сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Агробанк” акциядорлик тижорат банки хизматларига ўрнатилган
ТАРИФЛАР

Умумий масалалар

Тариф бўйича кўрсатилган хизматлар учун воситачилик тўловлари, кўшимча воситачилик харажатлари ҳамда телекоммуникация, почта ва бошқа харажатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда миллий ҳамда чет эл валютасида ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалиёт кунидаги расмий курси бўйича ундирилади.

Банк томонидан белгиланган тарифларда кўзда тутилмаган амалиётлар бўйича хизмат кўрсатилганда, ушбу хизматлар учун воситачилик тўловлари, ўхшаш амалиётлар учун белгиланган тарифлар асосида ундирилади. Бундай операцияларни амалга оширишда хизмат ҳақи миқдори томонлардан бирининг таклифи билан алоҳида шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда ҳудудий бошқармаларнинг ваколатли комиссияси маълум бир ўрнатилган тўлов операциялари ставкасини барча мижозлар учун ёки алоҳида мижозлар учун ўзгартириши ёки бекор қилиши ва воситачилик тўловлари ундиришнинг алоҳида тартибини ўрнатиши мумкин.

Филиал Кредит комиссиялари маълум бир мижоз учун ўрнатилган хизмат ҳақиға ўзгартириш киритиш бўйича қабул қилган қарорлари ҳудудий бошқармаларнинг ваколатли қўмитаси томонидан тасдиқланганидан сўнг кучға киради.

Банк мижозлар томонидан берилган топшириқларнинг, улар (яъни, мижозлар) томонидан қилинган ҳато ва ноаниқликлар натижасида ўз вақтида бажарилмаслиғига ёки нотўғри бажарилишиға ҳамда бошқа банкларнинг ҳатолари учун жавобгар ҳисобланмайди.

Банк тарифларига кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш қонунчиликда ҳамда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномада белгиланган тартибда амалға оширилади.

**I. ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР**

| T\P | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-----------|---|---|
| 1. | ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҒИНИ ОЧИШ, ЮРИТИШ, ЁПИШ ВА БОШҚА ШУ КАБИ ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА | |
| 1.1. | Асосий (ёки бошқа банк мижозига иккиламчи) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очиш. | бепул |
| 1.2. | Мижозга иккиламчи, бошқа ҳисобварақ очиш ва қайта расмийлаштириш (мулкчилик шакли ўзгарганда, қайта ташкил этилганда ва ҳ.к.). | бепул |
| 1.3. | Талаб қилиб олингунча, иккиламчи ва шу каби депозит ҳисобварақларни ёпиш. | бепул |
| 2. | ТЎЛОВ АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА | |
| 2.1. | Мижознинг барча ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш (дебет айланма) | 0,5 фоиз (масофавий хизмат орқали 0,4 фоиз ёки шартномада белгиланган ставканинг 80 фоизи) |
| 2.2. | Битта филиалда мижознинг бир ҳисобварағидан бошқа ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш. | бепул |
| 2.3. | Мижознинг ҳисобварағидан Агробанкнинг қимматли қоғозларига ва конвертация қилиш мақсадида махсус очилган ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказиш. | бепул |
| 2.4. | Бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақлари бўйича хизмат кўрсатиш. | бепул |
| 2.5. | Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобварақларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказиш. | бепул |
| 2.6. | Асосий ёки иккиламчи талаб қилиб олингунча ҳисобварақ очган мониторинг марказлари қошида ташкил этилган минибанклар томонидан хизмат кўрсатиладиган юридик шахсларга ҳисобварақларга хизмат кўрсатиш бўйича бир ойлик тўлов (Бунда, банк томонидан “ИНТЕРНЕТ-БАНКИНГ” хизмати учун ойлик тўлов, хизмат орқали маълумот олиш, электрон почта манзилига юбориш ҳамда “СМС-ХАБАРНОМА” хизматлари бепул). | бепул |

| Т\Р | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|------------|--|---|
| 2.7. | Мижоз бошқа банкка ўтганда ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш. | бепул |
| 2.8. | Агробанк олдидаги кредит қарздорлигини қоплаш учун ўтказилганда (дебет айланма). | бепул |
| 2.9. | Электрон тўловлар ўтказиш. | Ахборотлаштириш Бош Маркази ҳаражатларининг 1,5 баробари миқдорида |
| 3. | АККРЕДИТИВ АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА | |
| 3.1. | Аккредитив ҳисобварағини очиш. | ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 3.2. | Аккредитив шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш. | Бекор қилиш бепул, шартларини ўзгартириш ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 3.3. | Аккредитив ҳисобварағини тасдиқлаш. | бепул |
| 3.4. | Мижоз талабига кўра сўровномалар тайёрлаш ва жўнатиш. | ЭКОИХнинг 10 фоизи миқдорида |
| 4. | БАНКНИНГ ҚАТЪИЙ ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ БЛАНКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА | |
| 4.1. | Нақд пул чек дафтарчасини рўйхатга олиш. | ЭКОИХнинг 10 фоизи миқдорида (бюджет ташкilotлари учун- бепул) |
| 4.2. | Йўқотилган пул чек дафтарчаси ўрнига янги чек дафтарчасини бериш ва рўйхатга олиш. | ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 5. | НАҚД ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА | |
| 5.1. | Кассага нақд пулларни қабул қилиш. | бепул |
| 5.2. | Нақд пул маблағини бериш - иш ҳақи, нафақа, пенсия, стипендия ва унга тенглаштирилган тўловлар (40,41,47,50,54-рамзлар). | бепул |
| 5.3. | Нақд пул маблағини бериш – меҳнат ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан ташқари бошқа мақсадларга (42,43,45, 53-рамзлар). | 1 фоиз миқдорида, Марказий банк томонидан мадад пули берилганда - бепул |

| Т\Р | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-----------|---|---|
| 5.4. | Нақд пул маблағини бериш – юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларга терминал тушумлари (44-рамз). | 1 фоиз миқдорида |
| 5.5. | Юридик шахс ҳисобварағига келиб тушган нақдсиз пул маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағни ечиб бериш (44/2.-рамз). | 1 фоиз миқдорида, Марказий банк томонидан мадад пули берилганда - бепул |
| 5.6. | Инкассация қилинган пул маблағларни бошқа банкдаги ҳисобварақга ўтказиш. | бепул |
| 5.7. | Инкассатор ҳалтасига маблағларни нотўғри жойлаштириганда далолатнома тузиш. | бепул |
| 5.8. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш ва уларни, шу жумладан, экспортга йўналтириш учун тайёрлов корхоналарга нақд пул маблағини ечиб бериш (46-рамз). | 1 фоиз миқдорида, Марказий банк томонидан мадад пули берилганда - бепул |
| 5.9. | Хусусий тадбиркорлар ҳисобварақларига келиб тушган нақдсиз пул маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағини ечиб бериш (44/1-рамз). | 1 фоиз миқдорида, Марказий банк томонидан мадад пули берилганда - бепул |
| 5.10. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ҳисобварақларидаги маблағларини нақд шаклда бериш (44/2.-рамз). | бепул |
| 6. | ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА | |
| 6.1. | Жисмоний шахсга ҳисобварақ (талаб қилиб олингунча, муддатли, жамғарма) очиш, юритиш, ёпиш ва омонат дафтарчаси бериш (мазкур тарифнинг 6.5.-банди бундан мустасно). | бепул |
| 6.2. | Жисмоний шахснинг ҳисобварақларига нақд пулда топширилган маблағларини нақдсиз ўтказиш ҳамда омонат ҳисобварақларига кирим қилиш. | бепул |
| 6.3. | Жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварақларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, алиментлар учун келиб тушган маблағларни нақд пулда бериш. | бепул |
| 6.4. | Фуқаролар буюртмасига кўра (мерос, ворислик) омонатларни қидириш. | бепул |
| 6.5. | Омонат дафтарчасини йўқотганлиги учун тўлов. | ЭЖОИХнинг 10 фоизи миқдорида |

| Т\Р | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|----------------|--|------------------------------|
| 6.6. | Мижоз ўз квитанциясини йўқотганда, тўловларни тўлаганлиги ҳақида маълумотнома бериш. | ЭКОИХнинг 10 фоизи миқдорида |
| 6.7. | Кредит асосий қарзи ва фоиз тўловлари бўйича бир марталик тўловлар. | бепул |
| 6.8. | Алимент тўлаш учун тўловлар. | бепул |
| 6.9. | Жисмоний шахслар томонидан бошқа бир марталик тўловларни амалга ошириш. | бепул |
| 6.10. | Жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан нақд пулсиз маблағларни омонатга кирим қилиш. | бепул |
| 6.11. | Омонат дафтарчасидаги амалиётлар ва қолдиғи ҳақида омонатчига ёки омонатчининг қонуний вакилига (ДСҚ, Элчихона ва бошқалар) тасдиқланган маълумотнома бериш. | ЭКОИХнинг 10 фоизи миқдорида |
| 6.12. | Омонат ҳисобварағидан бажариладиган нақд пулсиз операциялар | |
| 6.12.1. | Мижоз аризасига кўра омонат ҳисобварағидан нақд пулсиз кўринишда кирим қилинган маблағларни ўтказиш | |
| а) | Омонат фоизлари ва асосий суммаси, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар. | бепул |
| б) | Омонат ҳисобварақлардан келиб тушган маблағлар талаб қилиб олингунча, муддатли ва жамғарма омонатларига ўтказиш. | бепул |
| в) | Дивиденд кўринишида келиб тушган маблағларни чиқариш. | 0,5 фоиз миқдорида |
| г) | Ижара кўринишида келиб тушган маблағлар бўйича. | 0,5 фоиз миқдорида |
| д) | Ҳомийлик, гонорар ва бошқа маблағлар бўйича. | 0,5 фоиз миқдорида |
| е) | Суғурта маблағлари кўринишида келиб тушган пуллар. | 0,5 фоиз миқдорида |
| 6.12.2. | Омонат ҳисобварақларига нақд пулсиз келиб тушган маблағларни нақд пулда бериш | |
| а) | Омонат фоизлари ва асосий суммаси шунингдек, омонат ҳисобварағига кирим қилинган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар. | бепул |
| б) | Ҳомийлик маблағлари. | 0,1 фоиз миқдорида |
| в) | Хўжалик юритувчи субъектларни ёпилиши натижасида келиб тушган жисмоний шахснинг улушини бериш. | 2 фоиз миқдорида |
| г) | Жисмоний шахсларга ипотека кредити олиш учун бошланғич бадали қайтариб берилганда. | бепул |

| T\P | KЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|--------------|--|--|
| д) | Юридик шахслардан жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига келиб тушган бошқа маблағлар. | 1 фоиз миқдорида |
| е) | Агробанк тизимида ажратилган ипотека кредитлари учун келиб тушган маблағлар ҳамда контингент ташкилотлари ходимларига ажратилган ипотека кредитлари. | бепул |
| ё) | Жисмоний шахсларга ипотека кредити орқали сотилган уй-жойлар учун келиб тушган маблағлар (6.12.2.е.-банди бундан мустасно). | 2 фоиз миқдорида |
| ж) | Суд ижроси муассасаси томонидан ижро талабномасига асосан ҳамда суд қарори натижасида келиб тушган гаров пулларини омонат ҳисобварақларидан бериш. | 0,5 фоиз миқдорида |
| 6.13. | Коммунал тўловларни (электр-энергияси, иссиқлик энергияси, сув ва ҳ.к.) қабул қилиш бўйича банк хизматини кўрсатиш. | хизмат ҳақи алоҳида шартнома асосида коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналардан ундирилади |
| 6.14. | Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча омонат ва пластик карталар ҳисобварақларига фоиз ҳисоблаш | |
| а) | Талаб қилиб олингунча омонат ҳисобварақларига. | йиллик 0,1 фоиз |
| б) | Пластик карта ҳисобварақларига (пластик картадаги махсус омонат турлари бундан мустасно). | фоиз ҳисобланмайди |
| 6.15. | Бюджет ва контингент ташкилотлари ходимларига уй-жой сотиб олиш, меҳнат вазифалари билан боғлиқ ҳолда ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни қоплаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан бузилаётган уй-жойлар учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюросидан суднинг қарорига асосан келиб тушган компенсация маблағларини жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига кирим қилиш. | бепул |
| 6.16. | Жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларидан ёки топширган нақд пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловларни турли сабабларга кўра (29801, 29824-ҳисобварақларидан) қайтарилганда жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига кирим қилиш. | бепул |
| 7. | БАНК КАФОЛАТИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА | |

| T\P | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-------------|--|---|
| 7.1. | Кафолатлар бўйича ҳужжатларни қабул қилиш, текшириш ва расмийлаштириш. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 7.2. | Миллий ва хорижий валютада банк кафолатини бериш. | Кафолат суммасининг 3 фоизи миқдорида ҳар бир йил учун |
| 7.3. | “Ўзпахтаэкспорт” АЖ билан тузилган шартнома асосида пахтани қайта ишловчи текстиль корхоналарига пахта толаси харид қилиш учун банк кафолати бериш. | Кафолат суммасининг 2 фоизи миқдорида |
| 7.4. | Кафолат суммасини кўпайтириш ва амал қилиш муддатини узайтириш. | Кафолат суммасининг 1 фоизи миқдорида |
| 7.5. | Кафолатларнинг шартини суммаси ва муддатини ўзгартирмаган ҳолда ўзгартириш. | бепул |
| 7.6. | Қурилиш ташкилотлари ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги қошидаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли давлат унитар корхоналарига тендер савдоларида иштирок этиши учун банк кафолати бериш. | тендер савдоларида ғолиб бўлганда кафолат суммасининг 2 фоизи миқдорида (қурилиши мўлжалланган объект қийматининг 20 фоизи миқдорида тақдим этилган кафолат бўйича 1 фоиз миқдорида), ютқазган тақдирда ҳар бир кафолат учун ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 8. | ИНТЕРАКТИВ БАНК ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА | |
| 8.1. | Интерактив банк хизмати учун тўловлар | |
| а) | «ИНТЕРНЕТ-БАНКИНГ» хизмати учун | |
| - | юридик шахсларга (ойлик тўлов). | бепул |
| - | кичик тадбиркорлик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга (ойлик тўлов). | бепул |
| - | “Интернет банкинг” хизмати орқали маълумот олиш учун (ойлик тўлов). | бепул |
| - | мижозларга кунлик ҳисоботларни мижоз электрон почта манзилига юбориш (ойлик тўлов). | бепул |
| - | фермер хўжаликлари (ойлик тўлов), шунингдек хизмат орқали маълумот олиш ва электрон почта манзилига юбориш. | бепул |

| T\P | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|------|--|--|
| - | Банк томонидан мижозларга интернетбанкнинг хизматига улаш учун бериладиган "i-key" хавфсизлик электрон калитлари учун бир марталик тўлов. | ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| - | Банк мижозни иккинчи марта "i-key" хавфсизлик электрон калитлари билан таъминлаганда ("i-key" электрон калитлари мижознинг эҳтиётсизлиги сабабли ишдан чиқса ёки йўқолганда) | ЭКОИХнинг 1,5 баробари миқдорида |
| б) | «СМС– ХАБАРНОМА» хизмати учун | |
| - | «СМС– ХАБАРНОМА» хизматига уланиш . | бепул |
| - | «СМС– ХАБАРНОМА» хизмати учун жисмоний шахсларга (ойлик тўлов). | бепул |
| - | «СМС– ХАБАРНОМА» хизмати учун юридик шахсларга (ойлик тўлов). | ЭКОИХнинг 0,2 баробари миқдорида |
| - | «СМС– ХАБАРНОМА» хизмати учун кичик тадбиркорлик субъектлари ва якка тартибдаги тадбиркорларга (ойлик тўлов). | ЭКОИХнинг 0,02 баробари миқдорида |
| - | "UZCARD-EMV" пластик карталарига SMS хабарнома хизмати учун. | бепул |
| - | «СМС– ХАБАРНОМА» хизмати учун фермер хўжаликларга (ойлик тўлов). | бепул |
| 8.2. | Жисмоний шахслар томонидан интернет ва мобил банкнинг хизмат турларидан фойдаланган ҳолда тўловлар амалга ошириш бўйича | |
| а) | Бир пластик картадан бошқа пластик картага маблағ ўтказилганда (P2P). | Ҳар бир транзакциядан 1 фоиз миқдорида |
| б) | Агробанк кредитлари ва унга ҳисобланган фоизларни "AGROBANK MOBILE" мобил илова орқали сўндириш. | бепул |
| в) | Мактабгача ва олий таълим муассасаларига тўловлар амалга оширилганда. | Ҳар бир транзакциядан 2000 сўм |
| г) | Пластик картанинг ҳолати (статус) ўзгартирилганда. | Бепул |
| д) | "AGROBANKMOBILE" мобил иловаси орқали сўм пластик картадан миллий валютадаги омонат ҳисобварағига ўтказиш. | бепул |
| 8.3. | Интернет ва мобил банкнинг хизмат турлари орқали тўловларни қабул қилувчи корхона, ташкилот ва муассасаларга тўлов амалга оширилганда. | Ҳар бир транзакциядан 1 фоиз миқдорида |
| 8.4. | Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан интернет ва мобил банкнинг хизмат турларидан фойдаланган ҳолда тўловлар амалга ошириш бўйича | |

| Т\Р | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|--------------|---|--|
| а) | “AGROBANKMOBILE-BIZNES” мобил иловасидан фойдаланиш учун. | бепул |
| 9. | ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ | |
| 9.1. | Акциялар бўйича брокерлик хизмати | битим суммасининг камида 2 фоизи миқдорида |
| 9.2. | Давлат қимматли қоғозлари бўйича брокерлик хизмати | битим суммасининг камида 0,1 фоизи миқдорида |
| 9.3. | Андеррайтинг хизмати | битим суммасининг камида 0,1 фоизи миқдорида |
| 9.4. | Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкиллаштирилган бозорида банк ҳудудий филиаллари томонидан операцияларни амалга ошириш | биржадан ташқари савдони ташкиллаштирилган корхоналар билан тузилган шартномага асосан хизмат ҳақи олинади |
| 10. | БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР ЮЗАСИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА | |
| 10.1. | Мижоз ҳисобварағи (корпоратив картаси) нинг ҳолати тўғрисида маълумотнома бериш ёки тасдиқлаш. | ЭКОИХнинг 10 фоизи миқдорида |
| 10.2. | Юридик ва жисмоний шахсларга консалтинг-маслаҳат хизматларини кўрсатиш. | Келишувга асосан |
| 10.3. | Кредит шартномасига ўзгартириш киритиш | |
| 10.3.1. | Жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун. | бепул |
| 10.3.2. | Бошқа хўжалик юритувчи субъектларга: | |
| а) | ЭКОИХнинг 50 баробаригача миқдорда ажратилган кредитлар учун. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| б) | ЭКОИХнинг 200 баробаригача миқдорда ажратилган кредитлар учун. | ЭКОИХнинг 3 баробари миқдорида |
| в) | ЭКОИХнинг 200 баробари ва ундан юқори миқдорда ажратилган кредитлар учун. | ЭКОИХнинг 5 баробари миқдорида |
| 10.4. | Депозит катакларни бир ойга ижарага бериш | |
| а) | 55x320x490 мм ли катаклар учун. | б) жисмоний шахслар учун 15.000 сўм, |

| T\P | KЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|---------|--|--|
| | | а) юридик шахслар учун 35.000 сўм |
| б) | 88x320x490 мм ли катаклар учун. | б) жисмоний шахслар учун 35.000 сўм, а) юридик шахслар учун 50.000 сўм |
| в) | 198x320x490 мм ли катаклар учун. | б) жисмоний шахслар учун 50.000 сўм, а) юридик шахслар учун 70.000 сўм |
| г) | 308x320x490 мм ли катаклар учун. | б) жисмоний шахслар учун 85.000 сўм, а) юридик шахслар учун 85.000 сўм |
| д) | Мижоз томонидан катакнинг калити йўқотилган тақдирда катакнинг очилиши ва қулф тузилишини янгилаш бўйича миждоз билан ҳисоб-китоб қилиш. | 85.000 сўм миқдорида |
| 10.5. | Банк кассасида миждознинг қимматбаҳо буюмларини сақлаш (бир йил муддатгача). | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 10.6. | Акциз маркаларни сақлаш ва бериш. | номинал қийматидан 1 фоиз миқдорида |
| 10.7. | UzPaynet тизими орқали хизмат кўрсатиш. | UzPaynet компанияси билан банк ўртасида тузилган шартномага асосан хизмат ҳақи олинади |
| 10.8. | Кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш учун бир марталик тўлов | |
| 10.8.1. | Жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун. | бепул |
| 10.8.2. | Бошқа хўжалик юритувчи субъектларга: | |
| а) | 3 ойгача ажратиладиган кредитлар учун. | кредит шартнома суммасининг 0,25 фоизи миқдорида (камида ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида, кўпи билан ЭКОИХнинг 10 |

| Т\Р | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|------------|--|--|
| | | баробари миқдорида) |
| б) | 6 ойгача ажратиладиган кредитлар учун. | кредит шартнома суммасининг 0,5 фоизи миқдорида (камида ЭКОИХнинг ҳақининг 2 баробари миқдорида, кўпи билан ЭКОИХнинг 10 баробари миқдорида) |
| в) | 9 ойгача ажратиладиган кредитлар учун. | кредит шартнома суммасининг 0,75 фоизи миқдорида (камида энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида, кўпи билан ЭКОИХнинг 10 баробари миқдорида) |
| г) | 12 ойгача ва ундан юқори муддатга ажратиладиган кредитлар учун. | кредит шартнома суммасининг 1 фоизи миқдорида (камида энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида, кўпи билан ЭКОИХнинг 10 баробари миқдорида) |
| 10.8.3. | хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириладиган кредитлар учун. | Хорижий кредит линия шартларидан келиб чиққан ҳолда |
| 11. | Миллий валютадаги АгроЭкспресс пул ўтказмаларини амалга ошириш бўйича | |
| 11.1. | 100 000 сўмдан - 499 000 сўмгача | 3 фоиз миқдорида (жўнатувчидан) |
| 11.2. | 500 000 сўмдан - 999 000 сўмгача | 2 фоиз миқдорида (жўнатувчидан) |
| 11.3. | 1 000 000 сўмдан юқори | 1 фоиз миқдорида |

| Т\Р | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-----|-------------------------------|---------------------|
| | | (жўнатувчидан) |

**II.ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА
КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР**

| Т\Р | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-------------|--|---|
| 1. | МИЖОЗЛАРНИНГ ВАЛЮТА ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ, ЮРИТИШ, ЁПИШ ВА БОШҚА ШУ КАБИ ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА | |
| 1.1. | Хўжалик субъектлари учун хорижий валютада талаб қилиб олингунча ҳисоб рақами очиш ва ёпиш. | бепул |
| 1.2. | Ҳисоб рақамини юритиш. | бепул |
| 1.3. | Ҳисоб рақамидаги минимал қолдиқ. | талаб қилинмайди |
| 1.4. | Кириш ва чиқим хабарномаларни такроран бериш. | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |
| 1.5. | Банкларнинг Лоро ҳисобрақамларидаги кунлик қолдиқларига фоиз ҳисоблаш. | 0,001% (йиллик) (йилда бир марта йилнинг охириги иш кунида тўланади) |
| 2. | ЎТКАЗМАЛАР БЎЙИЧА | |
| 2.1. | Мижознинг филиалдаги бир ҳисобварағидан бошқасига маблағ ўтказиш. | бепул |
| 2.2. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ўтказмалар бўйича: | |
| а) | Агробанк тизими ичидаги ўтказмалар. | ЭКОИХнинг 10 фоизи миқдорида |
| б) | Республика ҳудудидаги бошқа банклардаги ҳисоб рақамларга ўтказмалар. | оддий ўтказма миқдоридан 0,03 фоиз (камида ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида) |
| в) | Инкассация қилинган валюта маблағини Республика ҳудудидаги бошқа банкларга ўтказмалар. | оддий ўтказма миқдоридан 0,15фоиз (камида ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида), тезкор ўтказма миқдоридан 0,20 фоиз (камида ЭКОИХнинг 2 |

| ТҶР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-------------|--|--|
| | | баробари миқдорида) + СВИФТ ҳаражатлари + ҳамкорбанк ҳаражатлари |
| 2.3. | Республика ҳудудидан ташқарига хорижий валютани ўтказиш (оддий) | 0.1 фоиз (камида ЭКОИХнинг 50 фоиз, кўпи билан ЭКОИХнинг 4 баробари миқдорида) + ҳамкорбанк ҳаражатлари |
| 2.4. | Республика ҳудудидан ташқарига хорижий валютани ўтказиш (тезкор) | 0.15 фоиз + (камида ЭКОИХнинг 50 фоиз, кўпи билан ЭКОИХнинг 6 баробари миқдорида) + ҳамкорбанк ҳаражатлари |
| 2.5. | Ижро учун қабул қилинган тўлов топшириқномаси шартларини ўзгартириш. | бепул |
| 2.6. | Тўлов ижрога қабул қилинганидан сўнг валюталаш санаси оралиғида бекор қилиш | бепул |
| 2.7. | Бошқа банклар ўтказмаларини ўтказиш: | |
| а) | Хорижий банк ўтказмаларини ўтказиш (OUR). | 15 АҚШ доллари |
| б) | Хорижий банк ўтказмаларини ўтказиш (BEN/SHA). | 0,2 фоиз миқдорида (камида 1 АҚШ доллари кўпи билан 10 АҚШ доллари) |
| в) | Лоро ҳисобрақами орқали Ўзбекистон Республикаси ичидаги барча тўловларни ўтказиш. | 20 000 сўм миқдорида |
| 2.8. | Хорижий валюталар бўйича миллий туризмни ривожлантириш соҳасидаги (меҳмонхоналар, хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатувчи гидлар, махсус туризмга хизмат кўрсатувчи транспорт восита | умумий ўтказма миқдоридан 0,05 фоиз миқдорида (камида 80 000 сўм) |

| ТҶР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-----------|---|--|
| | Йиғимларидан, тарихий обидалар бўйича йиғилган бадаллар ва бошқа миллий туризмни ривожлантириш учун хизмат қилувчи) корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа банкларга хорижий валюталарда ўтказмаларни амалга ошириш. | |
| 3. | ҲУЖЖАТЛАРНИ ИНКАССО ҚИЛИШ БЎЙИЧА | |
| 3.1. | Ҳужжатларни акцепт ва тўловга асосланган ҳолда бериш. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида + хорижий банк харажатлари |
| 3.2. | Тўловдан бўш бўлган ҳужжатларни бериш. | ЭКОИХнинг 1,5 баробари миқдорида |
| 3.3. | Инкассо топшириғи шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш. | ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 3.4. | Инкассо бўйича ҳужжатларни текшириш ва қайтариб жўнатиб юбориш. | ЭКОИХнинг 1,5 баробари миқдорида + почта харажати |
| 3.5. | Хорижий банклар инкассо топшириқномаларини бошқа банкларга бериш. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 4. | ИМПОРТ АККРЕДИТИВЛАРИ БЎЙИЧА | |
| 4.1. | Аккредитив ҳақида хабарнома бериш. | бепул |
| 4.2. | Аккредитив очиш. | Аккредитив миқдоридан 0.5 фоиз миқдорида (камида ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида, кўпи билан ЭКОИХнинг 10 баробари миқдорида) |
| 4.3. | Аккредитив шартларига ўзгартириш киритиш | ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида + ҳамкорбанк харажати |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-------------|---|---|
| 4.4. | Аккредитив суммасини ошириш | Аккредитив миқдоридан 0.1 фоиз миқдорида (камида ЭКОИХнинг 0.5 баробари миқдорида, кўпи билан ЭКОИХнинг 3 баробари миқдорида) |
| 4.5. | Ҳужжатларини қабул қилиш ва текшириш | ЭКОИХнинг 0.5 баробари миқдорида ҳар бир тўплам ҳужжат учун |
| 4.6. | Тафовут билан тақдим этилган ҳужжатлар учун | Ҳар бир тўплам ҳужжатлар учун ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 4.7. | Аккредитивни бекор қилиш. | бепул |
| 4.8. | Ўтган ва ундан олдинги ойлар учун СВИФТ форматада юборилган хабарномаларни олиш. | бепул |
| 4.9. | Мижознинг аризасига асосан чет эл банкларига аниқлик киритиш учун сўровномалар жўнатиш | бепул + хорижий банк харажатларим |
| 4.10. | Аккредитив аризасини текшириб тўғрилаб бериш. | бепул |
| 4.11. | Тасдиқланган аккредитивга тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиш ва мижозга тақдим этиш | бепул |
| 5. | ЭКСПОРТ АККРЕДИТИВЛАРИ БЎЙИЧА | |
| 5.1. | Ҳужжатларни жўнатиш учун. | Хорижий банк + почта харажатлари + ҳар бир ҳужжат тури бўйича ЭКОИХнинг 0,5 баробари миқдорида |
| 5.2. | Аккредитивни тасдиқлаш бўйича: | |
| а) | қопламаси билан. | Қопланган-йиллик 0,8 фоиз миқдорида |
| б) | аккредитив ҳужжатларини қабул қилиш ва текшириш. | Хорижий банк + почта харажатлари + |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-------------|---|--|
| | | ҳар бир ҳужжат тури бўйича ЭКОИХнинг 0,5 баробари миқдорида |
| в) | аккредитив муддати тугагунга қадар унинг шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш. | бепул +хорижий банк + почта харажатлари |
| г) | аккредитив суммасини ошириш. | аккредитив миқдоридан 0.1 фоиз миқдорида (камида ЭКОИХнинг 0.5 баробари миқдорида, кўпи билан ЭКОИХнинг 3 баробари миқдорида). |
| д) | аккредитив муддатини узайтириш. | бепул |
| 5.3. | Ўтган ва ундан олдинги ойлар учун СВИФТ форматида юборилган хабарномаларни олиш. | бепул |
| 5.4. | Мижознинг аризасига асосан чет эл банкларига аниқлик киритиш учун сўровномалар жўнатиш | бепул + хорижий банк комиссияси |
| 6. | НАҚД ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН АМАЛИЁТЛАР БЎЙИЧА | |
| 6.1. | Чекларни кейинчалик ҳисобвараққа тушириш шарти билан инкассога қабул қилиш. | ЭКОИХнинг 1,5 баробари миқдорида |
| 6.2. | Инкассога қабул қилинган чекларни қайтариш ёки бекор қилиш. | ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 6.3. | Юридик шахсларга ҳисоб рақамидан ечиб олинган нақд валютани четга олиб чиқиш учун рухсатнома бериш. | ЭКОИХнинг 1,5 баробари миқдорида |
| 6.4. | Нақд хорижий валютани хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобварағига ўтказиш учун қабул қилиш. | бепул |
| 6.5. | Мижознинг ҳисобварағидан нақд валюта бериш бўйича: | |
| а) | Юридик шахс ҳисобварағидан нақд хорижий валюта ечиб бериш. | 0,3 фоиз миқдорида |
| б) | Норезидент жисмоний шахснинг ҳисобварағига келиб тушган хорижий валютани ечиб бериш. | 0,5 фоиз миқдорида |
| в) | Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобварағига тушган хорижий валютани ечиб бериш. | 0,3 фоиз миқдорида |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|---|---|----------------------------------|
| г) | Фермер хўжалиklarининг ҳисобварағидан нақд хорижий валюта маблағларини ечиб бериш. | 0,3 фоиз миқдорида |
| д) | Жисмоний шахснинг ҳисобварағига тушган хорижий валютани ечиб бериш. | 0,5 фоиз миқдорида |
| е) | Бир пул банкнотани бошқасига алмаштириш. | 0,3 фоиз миқдорида |
| ё) | Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобварағига тушган хорижий валютани бошқа валютага алмаштириш. | 0,2 фоиз миқдорида |
| б.б. | Жисмоний шахсларга ҳисобварағидан ечиб олинган нақд хорижий валютани чет элга олиб чиқишга рухсатнома бланкасини расмийлаштириш. | ЭКОИХнинг 0,2 баробари миқдорида |
| б.7. | Жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини ўша чет эл валютасига майдалаб ёки йирик пул миқдорида бериш. | 1% миқдорида |
| *Изоҳ: Хорижий валюта банкнотаси 100 бирликдан кам бўлган ҳолатда хизмат ҳақи 100 бирлик учун белгиланган хизмат ҳақидан келиб чиқиб олинади. | | |
| б.8. | Ҳақиқийлиги шубҳа туғдирган хорижий валюта банкноталарини детектор орқали текширувдан ўтказиш | |
| а) | 20 000 миқдоргача бўлган хорижий валюта банкнотасининг (АҚШ доллари, ЕВРО, Англия фунт стерлинги, Япония йенаси) ҳар бир 100 бирлиги миқдорида. | 1500 сўм |
| б) | 20 000 дан 50 000 миқдоргача бўлган хорижий валюта банкнотасининг (АҚШ доллари, ЕВРО, Англия фунт стрелинги, Япония йенаси) ҳар бир 100 бирлиги миқдорида. | 1250 сўм |
| в) | 50 000 дан юқори миқдоргача бўлган хорижий валюта банкнотасининг (АҚШ доллари, ЕВРО, Англия фунт стрелинги, Япония йенаси) ҳар бир 100 бирлиги миқдорида. | 1000 сўм |
| г) | Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга (Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва шу кабилар) уларнинг хизмат заруриятидан келиб чиқиб. | бепул |
| е) | Ҳақиқийлиги шубҳа туғдирган чет эл валюталарини жисмоний шахслардан экспертизага қабул қилиш | Бир банкнота учун 500 сўм |
| б.9. | Хорижий давлатнинг шикастланган пул белгиларини алмаштириш. | |
| а) | Шикастланиш белгилари мавжуд бўлган муомалага яроқли банкноталар алмаштириб бериш; <ul style="list-style-type: none"> • Банкнота тасвирини (шаклини) аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган бўлса; | 5% миқдорида |

| ТҶР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-----|--|---------------------|
| | <ul style="list-style-type: none"> • Банкнота энининг (бўйининг) тўртдан бир қисмидан ошмаган ёпиштирилган йиртиқларга эга бўлса; • Ёпиштириб қўйилган бурчаклари ёки қисмлари (1 см-2 дан ошмаган) бўлса ҳамда йиртиб олинган бурчаклари ёки қисмлар аниқ ушбу банкнотага тегишли бўлса; • Майда доғлар, ёзувлар, штамп изи (бунда ёзув ёки штамп изи икки донадан ошмаган бўлиши лозим, банкнота тугатилганлиги, сохталлиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплардан бундан мустасно) бўлганда ҳамда улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга халақит бермайдиган асосий ҳимоя белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортигини тўсиб қўймаган бўлса; • Банкнотада диаметри 1 мм дан ошмаган ва иккитадан кўп бўлмаган тешиқлар бўлса. | |
| б) | <p>Шикастланиш белгилари мавжуд бўлган муомалага яроқсиз банкноталарни инкассога қабул қилиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бўлақларга ажратилган, шу жумладан ёпиштирилган бўлса; • Дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса; • Ёнган ёки куйган ҳолатда бўлса; • Қонуний тўлов воситаси эканлигини кўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сиёҳ тўкилган бўлса; • Банкнотада кимёвий реактивлар таъсири бўлса; • Муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартирилганда, номинали ўзгартирилган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса; • Банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сув белгиси ёки ҳимоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса; • Банкнота геометрик ўлчамининг 3 мм га тенг ёки ундан ортиққа ўзгарган бўлса; | 3% миқдорида |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|------|---|--|
| | <ul style="list-style-type: none"> • Банкнота тасвирини (суратини, портретини, шаклини) аниқлаш имконини бермайдиган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса; • Қаттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган банкнотлар; | |
| 7. | КАФОЛАТ БЕРИШ БЎЙИЧА | |
| 7.1. | Кафолатларни авизо қилиш. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 7.2. | Қопланган кафолатларни бериш ва унга хизмат кўрсатиш ёки захирали аккредитив, контр-кафолатлар (узайтирган даврни ўз ичига олган ҳолдаги ҳаракат қилишининг тўлиқ даври). | 0,1 фоиз ҳар бир чоракка ёки унинг қисмига (камида ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида) |
| 7.3. | Қопланган кафолатларни ёки захирали аккредитивларни, контр-кафолатларни шартларига ўзгартириш киритиш, шу жумладан ўстириш | ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 7.4. | Бошқа ҳолларда хорижий валютада банк кафолати бериш | Келишувга асосан |
| 8. | КОНВЕРСИОН АМАЛИЁТЛАР БЎЙИЧА | |
| 8.1. | Бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд валютасига алмаштириб бериш (амалдаги харид ва сотув курсида конверсия). | |
| а) | юримдик шахсларга. | 0,3 фоиз миқдорида |
| б) | жисмоний шахсларга. | бепул |
| 8.2. | Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасидан миқозлар учун хорижий валютани харид қилиш ва сотиш (ҳар бир буюртма миқдори бўйича) | |
| а) | Ички валюта бозорида валюта олди-сотди битимлари бўйича воситачилик ҳақи. | 0,3 фоиз миқдорида |
| б) | Хўжалик юритувчи субъектлардан хорижий валюта сотиб олиш. | 0,1 фоиз миқдорида |
| 8.3. | Ҳисобварақлардаги нақд бўлмаган бирор валютани бошқа хорижий валютага конвертация қилиш | |
| а) | юримдик шахсларга. | 0,1 фоиз миқдорида |
| б) | жисмоний шахсларга. | 1 фоиз миқдорида |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|--------------|---|--|
| 8.4. | Нақд хорижий валюталарнинг сотилиши. | шартнома шартларига мувофиқ |
| 8.5. | Нақдсиз хорижий валютани бошқа банкларга (СПОТ) сотиш. | 1 фоиз миқдорида |
| 9. | ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ВА БАРТЕР ШАРТНОМАЛАРИ ШУ ЖУМЛАДАН РЕСПУБЛИКА ИЧИДА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА | |
| 9.1. | Экспорт шартномалари бўйича экспортдан тушган маблағни ТСОЯЭАТ дастурига киритиш ва ҳисоб китоб маълумотномасини шакллантириш. | бепул |
| 9.2. | Мижознинг талабига кўра ташқи савдо шартномалари бўйича маълумотнома бериш. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 9.3. | Экспорт-импорт ва бартер шартномалари шу жумладан республика ичида чет эл валютасида тузилган шартномаларига йиллик хизмат кўрсатиш. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 10. | БОШҚА АМАЛИЁТЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА | |
| 10.1. | Почта ва коммуникацион харажатлар бўйича | |
| а) | SWIFT хизматлари учун. | бепул |
| б) | жисмоний шахслар учун. | бепул |
| 10.2. | Жисмоний шахслар учун SWIFT орқали қўшимча маълумот юбориш. | бепул |
| 10.3. | Халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали операцияларни амалга ошириш бўйича. | халқаро пул ўтказмалари тизими тарифлари асосида |
| 10.4. | Мижозларнинг топшириқномасида кўрсатилган маълумотлар етарли бўлмаган ҳолатларда қўшимча тўлов реквизитларини (SWIFT коди, банк номи ва манзилини) аниқлаштириш тўлов реквизитларини (SWIFT коди, банк номи ва манзилини) аниқлаштириш. | бепул |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|--------------|--|----------------------------------|
| 10.5. | Ҳисобварақдан кўчирмалар бериш бўйича: | |
| а) | операцияни амалга ошириш чоғида. | бепул |
| б) | мижознинг илтимосига кўра такрорий кўчирма бериш. | бепул |
| в) | ҳисобварақнинг ҳар қандай вақт оралиғидаги айланмалари тўғрисида маълумотнома бериш. | бепул |
| 10.6. | Хорижий банкларга сўровномалар ва хатлар тайёрлаш ҳамда жўнатиш. | ЭКОИХнинг 2 баробари миқдорида |
| 10.7. | Ҳисоб рақамидаги қолдиқларни тасдиқлаш тўғрисида маълумотнома бериш. | ЭКОИХнинг 0,5 баробари миқдорида |
| 10.8. | Респондент банкларнинг сўровларига (респондент банкларнинг аудиторларига ахборот тақдим этиш учун) уларнинг ҳисобварақларига доир операциялар бўйича маълумотнома бериш. | ЭКОИХнинг 3 баробари миқдорида |

III. СЎМДАГИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ВА ТЕРМИНАЛЛАР БЎЙИЧА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-----------|--|-----------------------------|
| 1. | БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ЭМИССИЯ ҚИЛИШДА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ҲАҚИ | |
| 1.1. | Жисмоний шахслар пластик карточкаларини (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва яқка тартибдаги тадбиркор ходимларига тегишли карталар) эмиссия қилиш. | бепул |
| 1.2. | Жисмоний шахслар пластик карточкаларини эмиссия қилишда (1.1.-бандга тегишли бўлмаган мақсадлар учун: конверсион операцияларни амалга ошириш, суғурта бадаллари, дивидендлар, оилавий ва бошқа турдаги карточкалар). | ЭКОИХнинг 15 фоиз миқдорида |
| 1.3. | Пластик карточкаларнинг фойдаланиш муддати тугаганда қайта эмиссия қилиш / алмаштириш | |
| а) | Бюджет ташкилоти ходимлари ва пенсионерларнинг пластик карталари учун | бепул |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-------------|---|---|
| б) | Бошқа барча жисмоний шахслар пластик карталари учун | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |
| в) | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив пластик карталари учун | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |
| 1.4. | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор учун корпоратив пластик карточкани эмиссия қилишда. | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |
| 1.5. | Махсус дизайнда (мижоз талаби) пластик карталарни муомалага чиқариш. | ЭКОИХнинг 25 фоизи миқдорида |
| 1.6. | Uzkard ва UnionPay international Кобэйдж карталари бўйича кўрсатилагн хизматлар учун тарифлар | |
| а) | Кобэйдж пластик карта эмиссия қилиш | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |
| б) | Суғурта депозити | ЭКОИХнинг 40 фоизи миқдорида |
| в) | Амал қилиш муддати тугаганлиги, йўқотилганлиги ёки шикастланганлиги сабабли пластик картани қайта эмиссия қилиш/янгисига алмаштириш. | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |
| г) | Кобэйдж пластик картани Global stop-listга киритиш. | ЭКОИХнинг 50 фоизи миқдорида |
| д) | Хорижий банклар банкоматларидан пластик карта қолдиғи бўйича маълумотни олиш. | Хорижий банклар томонидан юборилган (ҳисоботга кўрсатилагн) маблағлар миқдорида |
| 1.7. | Мижозлар томонидан мобил илова ёки интернет орқали юборилган онлайн аризасига асосан пластик картани эмиссия қилиш ва яшаш манзилигача етказиб бериш. | ЭКОИХнинг 50 фоизи миқдорида + курьер (етказиб берувчи) хизмати |
| 2. | ПЛАСТИК КАРТОЧКА ЙЎҚОТИЛГАНДА ЁКИ ШИКАСТЛАНГАНДА УНИ ЯНГИСИГА АЛМАШТИРИЛГАНДА УНДИРИЛАДИГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИ ҲАҚИ | |
| 2.1. | Жисмоний шахсларга йўқотилган ёки шикастланган пластик карточкалар ўрнига янгиси берилганда. | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|------|---|---|
| 2.2. | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорнинг йўқотилган ёки шикастланган корпоратив карточкалари ўрнига янгиси берилганда. | ЭКОИХнинг 15 фоизи миқдорида |
| 3. | “СЎМ” ПЛАСТИК КАРТОЧКАГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА УНДИРИЛАДИГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИ | |
| 3.1. | Пластик карточкаларни блокировкага (шу жумладан, “Стоп-лист”га) қўйиш ва чиқариш. | бепул |
| 4. | САВДО ТЕРМИНАЛИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШДА ТРАНЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ | |
| 4.1. | - юридик шахслар учун (ойлик). | 35 000 сўм |
| 4.2. | - якка тартибдаги тадбиркорлар учун (ойлик). | 35 000 сўм |
| 5. | БАНК ТОМОНИДАН ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ ИЖАРАГА БЕРИЛГАНДА ОЛИНАДИГАН КОМИССИОН ТЎЛОВЛАР | |
| 5.1. | Юридик шахслардан тўлов терминаллари учун ижара ҳақи (ойлик). | бепул |
| 5.2. | Якка тартибдаги тадбиркорлардан тўлов терминаллари учун ижара ҳақи (ойлик). | бепул |
| 5.3. | Тўлов терминалларини таъмирлаш ёки таъмирлаб бўлмайдиган даражада ишдан чиқариш, шунингдек уни йўқотиш ҳолларида ундириладиган тўловлар | |
| а) | Тўлов терминали таъмир талаб бўлганда. | таъмирлаш харажатлари ҳамда 50 000 сўм миқдорида |
| б) | Тўлов терминалини таъмирлаб бўлмайдиган даражада ишдан чиқариш ёки уни йўқотиш ҳолларида ундириладиган тўлов. | тўлов терминалининг қолдиқ қиймати ҳамда ЭКОИХнинг 1 баробари миқдорида |
| 6. | Жисмоний шахсларнинг сўм пластик карталарига кириш ва чиқим амалиётлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун тарифлар | |
| 6.1. | Жисмоний шахсларнинг пластик карта ҳисоб рақамларига нақд пулсиз келиб тушган маблағларни кириш қилиш (<i>иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, алиментлар, сугурта мукофотлари, омонат, онлайн микроқарз, пластик карталардан, уй-жой бузилиши,</i> | 1 фоиз |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-------------|--|--|
| | <i>суд ва/ёки мажбурий ижро бюроси қарорига асосан тушган, моддий ёрдам (жамғармаларидан, бюджет ташилотларидан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларидан), пенсия, аукционда қайтган бадал (аукционда қатнашиш учун тўланган бадалнинг қайтарилиши) шунингдек Агробанк тизимида ипотека кредитлари учун келиб тушган маблағлар ҳамда I бобнинг 6.15 ва 6.16 бандлари бундан мустасно)</i> | |
| 6.2. | Бошқа банк пластик карталаридан аризаларга асосан маълум мақсадга кўра бошқа банкларга ўтказиш бўйича ечилган (чиқим қилинган) маблағлар учун (коммунал ва алоқа хизмати, бюджет, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бундан мустасно) | 1 фоиз |
| 7. | Касса терминаллари, инфокиоска ва банкоматлар орқали кўрсатилган хизматлар учун тарифлар | |
| 7.1. | Банкнинг касса терминаллари орқали миллий валюта маблағларини нақд пул шаклида берилганда. | бепул |
| 7.2. | Банкоматлар ва инфокиоскалар орқали кўрсатилган хизматлар учун тарифлар | |
| а) | Агробанкнинг банкоматлари орқали миллий валютада нақд пул берилганда. | Ҳар бир транзакциядан 1 фоиз миқдорида |
| б) | Агробанк томонидан эмиссия қилинган “Visa” карталаридан Агробанкнинг банкоматлари орқали хорижий валюта маблағларини нақд пул шаклида бериш. | бепул |
| в) | Бошқа банк томонидан эмиссия қилинган “Visa” карталаридан Агробанкнинг банкоматлари орқали хорижий валюта маблағларини нақд пул шаклида бериш. | 1 фоиз миқдорида |
| г) | Агробанк томонидан эмиссия қилинган “Visa” карталаридан Агробанкнинг банкоматлари орқали миллий валюта маблағларини нақд пул шаклида бериш. | 1 фоиз миқдорида |
| д) | Бошқа банк томонидан эмиссия қилинган “Visa” карталаридан Агробанкнинг банкоматлари орқали миллий валюта маблағларини нақд пул шаклида бериш. | 3 фоиз миқдорида |

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР |
|-----------|--|--|
| е) | Банкомат ва инфокиоска ёрдамида Агробанк кредитлари ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш. | Ҳар бир транзакциядан 0,5 фоиз миқдорида |
| ё) | Банкомат орқали нақд пул шаклидаги хорижий валютани миллий валютага айирбошлаш. | бепул |
| ж) | Банкомат ва инфокиоска ёрдамида бир пластик картадан бошқа пластик картага маблағ ўтказилганда (P2P). | Ҳар бир транзакциядан 1 фоиз |
| 8. | ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КОРПОРАТИВ КАРТОЧКАЛАРИГА МАБЛАҒЛАР КИРИМ ҚИЛИНИШИДА ОЛИНАДИГАН КОМИССИОН ТЎЛОВЛАР | |
| 8.1. | Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карточкаларига маблағлар ўтказилиши учун уларнинг асосий ҳисобварақларидан карточка ҳисобварағига маблағ кўчирилганда. | 0,5 фоиз |
| 9. | Жисмоний шахсларга пластик карточкалар орқали бериладиган қисқа муддатли истеъмол кредитлари бўйича фоизлар | |
| 9.1. | Жисмоний шахсларга бериладиган овердрафт кредитлари ва кредит карточкалар орқали бериладиган қисқа муддатли истеъмол кредитлари бўйича. | Кредитлаш тартибига асосан |
| 10. | Банкомат ва инфокиоскаларни банкдан ташқарида ўрнатиш (ташкилотлар, савдо дўконлари ва шу каби бошқа жойларда). | бепул |

IV. “VISA” ХАЛҚАРО ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР

| ТҮР | КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИ | ЎРНАТИЛГАН ТАРИФЛАР * | | |
|-----------|---|-----------------------------------|---------------------|------------------|
| 1. | Жисмоний шахсларнинг халқаро “Visa” пластик карталарига кўрсатиладиган хизматлар | | | |
| | ПЛАСТИК КАРТА ТУРИ | VISA ELECTRON (конверсион) | VISA CLASSIC | VISA GOLD |

| | | | | |
|-------------|--|---|--|---|
| 1.1. | Жисмоний шахслар, шу жумладан ЯТТларга “Visa” пластик карталарини такдим этиш. | бепул | 25 000 сўм | 50 000 сўм |
| 1.2. | Суғурта депозити. | 10 АҚШ доллари, шунингдек бошқа банк эквайринг хизматларидан фойдаланилганда ҳар бир транзакциядан 2 фоиз миқдорида | | |
| 1.3. | “Visa” пластик карталарни қайта такдим этилиши | | | |
| а) | картанинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг | ЭКОИХ нинг 15 фоизи миқдорида | ЭКОИХ нинг 15 фоизи миқдорида | ЭКОИХ нинг 30 фоизи миқдорида |
| б) | йўқотилганда ёки яроқсиз ҳолга келтирилганда (бошқа банк комиссияларини ҳисобга олмаган ҳолда) | ЭКОИХ нинг 15 фоизи миқдорида | ЭКОИХ нинг 15 фоизи миқдорида | ЭКОИХ нинг 30 фоизи миқдорида |
| 1.4. | “Visa” ҳалқаро пластик карталари орқали миллий ва хорижий валюта маблағлари нақд пул шаклида олинганда | | | |
| а) | Агробанкнинг “Visa” пластик карталаридан банк кассаси ва валюта айирбошлаш шохобчаларидаги терминаллари орқали нақд миллий ва хорижий валюта маблағларини бериш. | 0,5 фоиз миқдорида | 0,5 фоиз миқдорида | 0,5 фоиз миқдорида |
| б) | Бошқа банкларнинг банкомати ва пунктларидан (бошқа банк комиссияларини ҳисобга олмаган ҳолда) | 1 фоиз миқдорид, камида 1 АҚШ доллари | 1,5 фоиз миқдорида, камида 1 АҚШ доллари | 1,5 фоиз миқдорид, камида 1 АҚШ доллари |
| 1.5. | “Visa” пластик карталари орқали савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида тўловлар амалга оширилганда | 0,5 фоиз миқдорид, камида 1 АҚШ доллари | 1 фоиз миқдорида, камида 1 АҚШ доллари | 1 фоиз миқдорид, камида 1 АҚШ доллари |
| 1.6. | Пластик картанинг амал қилиш муддати | 3 йил | 2 йил | 2 йил |
| 2. | Юридик шахс ва ЯТТларга “Visa BUSINESS” корпоратив карталари бўйича кўрсатиладиган хизматлар | | | |
| 2.1. | Юридик ва ЯТТларга “Visa BUSINESS” корпоратив карталарининг такдим этилиши. | 100 000 сўм | | |
| 2.2. | Суғурта депозити. | 2000 АҚШ долларигача 50 АҚШ доллари, 2000 АҚШ долларидан кўп бўлса 2 фоиз миқдорида | | |

| | | |
|-------------|--|--|
| 2.3. | “Visa” пластик карталарни қайта тақдим этилиши | |
| а) | картанинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг | ЭКОИХнинг 50 фоизи миқдорида |
| б) | яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқотилганда | ЭКОИХнинг 50 фоизи миқдорида |
| 2.4. | Карта ҳисобварағидан кўчирма бериш. | ЭКОИХнинг 50 фоизи миқдорида |
| 2.5. | Хизматлар тўлови учун карта орқали ҳисоб-китоб (бошқа банк комиссияларини ҳисобга олмаган ҳолда) | 0,5 фоиз миқдорида, камида 1 АҚШ доллари |
| 2.6. | “Visa BUSINESS” корпоратив карталарининг амал қилиш муддати | 2 йил |
| 3. | “Visa” пластик карта ҳисобварағи ҳаракатини тўхтатиш | |
| 3.1. | мижознинг талабига биноан “Visa” карта ҳисобварағи ҳаракатини тўхтатиш. | бепул |
| 3.2. | мижознинг талабига биноан халқаро миқёсда “Visa” карт ҳисобварағи ҳаракатини тўхтатиш (глобал стоп лист) | ЭКОИХнинг 50 фоизи миқдорида |
| 4. | Пластик карта ҳисобварағини пул ўтказиш, шунингдек Visa Direct орқали тўлдириш. | 1 фоиз миқдорида |
| 5. | “Visa” пластик карталари бўйича хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш. | бепул |
| 6. | Эътирозий транзакцияларни қайта ишлаш. | хар бир транзакция 50 000 сўм |
| 8. | Бошқа банк томонидан эмиссия қилинган “Visa” карталаридан Агробанкнинг терминаллари орқали миллий ва хорижий валюта маблағларини нақд пул шаклида бериш. | 2 фоиз миқдорида |
| 9. | “VISA” ХАЛҚАРО ПЛАСТИК КАРТАЛАРИГА “МУЛТИБАНКИНГ” БЎЙИЧА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР | |
| 9.1. | Банк картасини мижозга тақдим қилиш. | 3 АҚШ доллари |
| 9.2. | Банк томонидан пин-кодни шакллантириш ва пин-конвертни чиқариб бериш учун олинадиган хизмат ҳақи. | хар бири учун 5000 сўм |

| | | |
|------------|---|---|
| | | |
| 9.3. | Банк терминали орқали бошқа банк ва карта эгаси ўртасидаги нақдсиз электрон ҳисоб-китоб транзакцияларини тақдим қилишнинг бир йиллик тўлови. | ЭКОИХнинг 1,5 баробари миқдориди |
| 9.4. | Банк талабига асосан шу банкда эмитентланган Visa пластик карталарини глобал стоп листга қўйиш. | 100 000 сўм |
| 9.5. | VIOR VI р №8,4,б га асосан банк пластик карталари бошқа банк банкоматларида ушлаб қолинганда картани қайтариш учун олинадиган хизмат ҳақи. | 100 000 сўм |
| 9.6. | Р.3.2 “Fees Guide” Visa СЕМЕАга асосан Visa карталари орқали бошқа банк нақдлаштириш ва савдо-хизмат ташкилотларида амалга оширилган операциялардан олинадиган хизмат ҳақи. | ҳар бир транзакция суммасидан 0,15% миқдориди |
| 9.7. | Процессинг маркази хизматидан фойдаланиш учун бир ойлик абонент тўлови. | 200 АҚШ доллари |
| 9.8. | VisaNet га уланишнинг бир ойлик хизмат ҳақи. | 1500 АҚШ доллари |
| 10. | SMS-хабарнома хизматидан фойдаланиш. | бепул |
| 11. | Масофадан туриб бир валютадаги маблағни бошқа бир валютадаги пластик карта ёки омонат ҳисоб рақамига онлайн конвертация хизмати орқали ўтказиш | |
| а) | Сўм пластик картадан “Visa” халқаро пластик картага ёки хорижий валютадаги омонат ҳисоб рақамига ўтказиш. | бепул |
| б) | “Visa” халқаро пластик картадан сўм пластик карта ёки миллий валютадаги омонат ҳисоб рақамига ўтказиш. | бепул |

*Изоҳ: Барча комиссиялар бошқа банклар томонидан олинган комиссиялардан ташқари ҳисобланади.